

ОФЕРТА ШАРТНОМАСИ № 22140200252

Тошкент шаҳар

24-1-2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-375-моддаларига мувофиқ ушбу шартнома бир томондан Ўсимликлар карантини ва ҳимояси давлат хизмати тизимининг (кейинги ўринларда - «АГЕНТЛИК»), бошқа томондан жисмоний / юридик шахс («АРИЗА БЕРУВЧИ») нинг қуйидагилар тўғрисидаги таклифидир:

1. Умумий қондалар

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ агар қуйида кўрсатилган шартлар қабул қилиниб, хизматлар учун тўлов амалга оширилса, қабул қилувчи юридик ёки жисмоний шахс Ариза берувчига айланади.

2. Ариза берувчи томонидан Оферта шартномасини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиш (таклиф маъқулланиш) пайтида юкнинг келиши ҳамда транспорт бирлигининг очилганлиги тўғрисидаги далолатнома электрон ҳужжат кўринишида расмийлаштирилади ва юк билан транспорт бирлигининг карантин кўриги учун йиғим ундирилади.

3. Юкнинг келиши ва транспорт бирлигини очиш тўғрисидаги далолатноманинг расмийлаштирилиши Ариза берувчининг <http://www.singlewindow.uz> веб-сайтидаги шахсий саҳифасига электрон ҳужжат шаклида юборилади ва мижоз мазкур далолатномани электрон рақамли имзоси орқали тасдиқлайди.

4. Ариза берувчи Шартномани белгиланган тартибда қабул қилиб, шартнома матнида келтириб ўтилган шаклдаги барча шартлар билан танишиб чикқанлигини, рози бўлганлигини ҳамда тўлиқ ва сўзсиз қабул қилганлигини тасдиқлайди.

5. Ариза берувчи ушбу ҳужжатнинг 2-бандида кўрсатилган тартибда Шартномани қабул қилади ва унда белгиланган шартлар асосида Шартнома тузилишига розилик билдиради.

6. Шартнома бекор қилинмайди.

7. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-375-моддалари ва «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ Шартномада Аризачининг муҳри ва / ёки имзоси талаб этилмайди ҳамда шунга асосан ўз юридик кучини сақлаб қолади.

2. Шартнома предмети

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 январдаги № 65-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ўсимликлар карантинидаги зарарли организмлардан ҳимоя қилиш ва ўсимликлар карантини соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ, Ариза берувчи карантин текшируви учун қуйидаги тартибда йиғим суммасини тўлайди:

Номи	Бир бирлик учун йиғим суммаси,	Миқдори	Умумий сумма
Ҳар бир транспорт бирлиги бўйича карантин текширувини ўтказиш	Битта базавий ҳисоблаш киймати	20	5400000.00

9. Тўлов тартиби: ҳар бир транспорт бирлиги учун йиғим миқдори 30% олдиндан тўлов амалга оширилиб, хизмат кўрсатилгандан сўнг ҳисоб фактурага асосан 70 % тўланади.

10. Агар йиғим белгиланган кундан бошлаб беш кун ичида тўланмаса, Буюртмачининг аризаси бекор қилинади ва уни қабул қилиш тугалланмаган ҳисобланади.

3. Тарафларнинг мажбуриятлари

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 январдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ўсимликлар карантинидаги зарарли организмлардан ҳимоя қилиш ва ўсимликлар карантини соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги № 65-сонли қарорига мувофиқ юкнинг келганлиги ва расмийлаштирилганлиги тўғрисидаги билдиришнома ҳамда Шартноманинг 3-бандида назарда тутилган тартибда транспорт бирлигини очиш ва тўловни тўлаш тўғрисидаги далолатнома Ариза берувчи томонидан тасдиқланганидан сўнг, Агентлик белгиланган тартибда карантин кўригини ўтказиши.

12. Карантин кўригини ўтказишда белгиланган тартибда намуналар лаборатория текширувлари учун олинади. Олинган намуналарда ўсимликлар карантини кўриги ёки лаборатория текшируви натижасида ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларда ўсимликлар карантинидаги ва бошқа зарарли организмлар мавжуд эмаслиги аниқланса, ушбу юкдан фойдаланиш учун Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 январдаги № 65-сонли қарори билан тасдиқланган шаклда ўсимликлар карантини кўриги далолатномаси расмийлаштириб берилади.

13. Юк ва транспорт воситаларида карантиндаги зарарли организмлар борлиги аниқланса, уларнинг

намуналари тасдиқлаш учун тегишли ўсимликлар карантини лабораторияларига юборилади. Агар юк ва транспорт воситаларида карантин остидаги зарарли организмлар мавжуд бўлса ва уларни зарарсизлантиришнинг иложи бўлмаса, Агентлик юклар учун ўсимликлар карантини кўриги далолатномасини беришдан бош тортади ҳамда ушбу юк экспортёр давлатга қайтарилади ёки тегишли тартибда йўқ қилинади.

4. Жавобгарлик, низоларни ҳал этиш тартиби

14. Тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

15. Шартномани бажариш вақтида форс-мажор ҳолатлари: давлат ҳокимияти органларининг ҳаракатлари, ёнгин, сув тошқини, zilзила, бошқа табиий офатлар, электр энергиясининг йўқлиги, иш ташлашлар, фуқаролик урушлари, тартибсизликлар, шунингдек юқорида санаб ўтилмаган ҳолатлар билан чекланмаган ҳар қандай бошқа фавқулодда ҳодисалар юзага келиб, Шартнома шартлари бузилса, Агентлик жавобгарликдан озод этилади.

16. Агентлик қуйидагилар учун жавобгар эмас:

- Ариза берувчига ўз хизматларидан фойдаланишни таъминлайдиган умумий алоқа каналлари ёки хизматларининг сифати учун;

- Ариза берувчи томонидан <http://www.singlewindow.uz> сайтида оммавий тарзда тақдим этилган маълумотлар учун.

17. Ариза берувчининг Агентлик томонидан кўрсатилган хизматларга эътирози ёки шикоятлари info@karantin.uz электрон почтаси орқали кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

18. Низоли вазиятларни кўриб чиқишда Агентлик ариза берувчидан низога доир барча тегишли ҳужжатларни талаб қилишга ҳақли.

19. Тарафлар низо ва келишмовчиликлар юзага келганда, судгача низоларни ҳал этиш тартибини қўллаш мажбуриятини оладилар. Агар низони судгача ҳал қилишнинг имкони бўлмаса, тарафлар иктисодий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.



5. Алоҳида шартлар

20. Буюртмачи Шартномани қабул қилиш ва бажариш учун зарур бўлган барча ҳуқуқ ва ваколатларга эга.

21. Агентлик ушбу Шартноманинг исталган шартларини ўзгартириш ёки тўлдириш ҳуқуқини ўз веб-сайтида барча ўзгаришларни эълон қилиш орқали сақлаб қолади.

22. Ушбу Шартномада назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги меъёрлари асосида тартибга солинади.

ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

Ташкилот номи:	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси	Ташкилот номи:	"O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZI Y BANKINING "DAVLAT BELGISI" DAVLAT UNITAR KORXONASI
Манзил:	г. Ташкент т. Яккасарайск ий- район, улица А . Каххора, 39	Манзил:	TOSHKENT SHAHRI, YUNUSOBOD TUMANI, BOG'ISHAMOL KO'CHASI, 160-A-UY,
Тел:	95 198-83-23	Тел:	908087210
Х/Р:	2340200 0300100 001010 ⁹¹⁰	Х/Р:	21596000305108789001
ИНН:	2011229 194	ИНН:	306612737
ОКЭД:	84130	ОКЭД:	18120
ЎзР МВ		Тошкент ш., марказий банкнинг тош кент ш ахар хисоб-китоб касс	
Ҳисоб-китоб рақами:	400121860262877042103061001	Банк:	
Банк:	ЎзР. Марказий Банкнинг Ҳисоб-китоб маркази	МФО:	00014
МФО:	00014		
ИНН:	2010946 45 ⁹		
Директор:	С.Хасанов 	Директор:	В.ДЖУМАЕВ 



12-0/2
24.01.22

к Договору ордера № 22140200252 от 24.01.2022 г.

Исполнитель:

Главный специалист



Х.М. Тулаганов

Специалист



Ж.Ш. Юлдашев

СОГЛАСОВАНИЕ

Начальник управления производства



Ж.У.Пардабоев

Заместитель главного бухгалтера

по налоговому учету и услугам



А.М.Шукуров

Заместитель директора бумажной фабрики



Ш.Д.Юлчиев

Ведущий аудитор службы внутреннего аудита



Л.Ф.Байбекова

Заместитель директора монетного двора

отпуск

Х.С.Гуламов

Начальник отдела технологии



А.А. Тетерина

Главный юрисконсульт юридической службы



А.Х.Муратов